ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

28 апрель, сешанба 1998 йил №49 (551)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

2-бетда
САЛОМАТЛИК ВА ТАБИАТ
3-бетда
ЖИНОЯТЧИНИНГ ДЎСТИ КИМ?
4-бетда
ҲАМ ТИББИЙ, ҲАМ ТАБИИЙ ДАЪВО

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 1998 йил 30 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Депутатлар 29 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари, шунингдек ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши 29 апрель куни ўтказилади.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси фракциясининг йиғилиши - партия Марказий кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтади. «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси - Тошкент давлат юридик институтининг мажлислар залида, «Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси эса - партия Марказий кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Йиғилишлар соат 11 да бошланади.

Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар ўз йиғилишларини Олий Мажлис биносида соат 15 да ўтказадилар.

## Вақт кутиб турмайди

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида республикада чигит экишининг бориши, бошоқли дон экинларига ишлов бериш, ғалла комбайнларини мавсумга тайёрлаш ва табиий офатларнинг олдини олишга бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Уни Бош вазир биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. ЖЎРАБЕКОВ бошқарди.**

Мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, соҳага алоқадор вазирлик, қўмита, концерн, уюшма, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари И.Бобожонов маъруза қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж.Норалиев, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов, Самарқанд вилояти ҳокими А.Мардиев, Жиззах вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев, Сирдарё вилояти ҳокими Ў.Исмоиловнинг ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда бу йил 1 миллион 500 минг гектар майдонга, шу жумладан 420 минг гектар ерга плёнка остига чигит экиш режалаштирилган эди. Ҳозиргача 1 миллион 370 минг гектар ерга чигит экиб бўлинди. Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бу иш якунланди. Сирдарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида чигит экиш бироз орқада қолмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида эса экиш ишлари бор йўғи 18 фоиз бажарилди холос. Чигитни плёнка остига экиш режасини Андижон ва Фарғона вилоятларидан бошқа биронта вилоят бажармади.

Жорий йил бошоқли дон экинлари учун жуда қулай келди. Шунга қарамай, айрим туман ва хўжаликларда экинларга ишлов бериш, озиқлантириш талаб даражасида эмас. Кўпгина раҳбарлар ўтган йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқармаганлар. Республика хўжаликларида бошоқли донни озиқлантириш режаси бажарилган бир вақтда бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 10, Навоий вилоятда 61, Хоразм вилоятида 84, Бухоро вилоятида 93 фоизни ташкил этмоқда.

Кўпгина хўжаликларда сувдан самарасиз фойдаланилмоқда. Бир метр куб сув билан сутка давомида ўртача 70-80 гектар майдондаги ғалла ва бошқа экинларни суғориш мумкин. Лекин шунча сув билан Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятларида 35-42, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида эса 18-20 гектар ер суғорилмоқда, холос.

Етиштирилаётган ғаллани нобуд қилмай йиғиштириб олиш кўп жиҳатдан ўрим машиналари пухта ва сифатли ремонт қилинганлигигабоғлиқ. Мамлакатимизда ўрим-йиғим бошланишига бир ойдан кам вақт қолди. Аммо мавжуд комбайнларнинг 62 фоизи мавсумга тайёрланган.

Кенгашда шу каби камчиликларни тезда тугатиш борасида вилоят ва туман ҳокимларига, хўжалик раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Юнусов, Л.Аҳметов кенгашда иштирок этдилар.

/ЎзА/

*Фармон ва муносабат*

## МАҲАЛЛАДА ГАП КЎП

### у бугун аҳолини ижтимоий ҳимоя қила олади

**Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз аҳолиси - ҳаёт тарзига хос бўлган фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар фаолиятининг масъулиятини янада оширди. Шу билан бир қаторда шундай масъулият билан банд бўлганларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилди.**

Маълумки, мустақиллик шарофати билан халқимиз ўз урф-одатлари, анъаналарини қайта тиклаб, уларни ҳаётимиз равнақи, кишиларнинг онгига янгича ҳаёт тарзини сингдиришга хизмат қилдирмоқда. Бугунги кунга келиб, фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар шўролар давридаги номигагина бўлган, икки уч киши ишдан кейин келиб, маҳалла кишиларига яшаши ҳақида маълумот ёзиб берувчи иккинчи даражали идорадан мамлакатимиз ҳаётига, кишиларнинг ҳаёт тарзига ўз таъсирини ўтказа оладиган даражага етди. Бундай бўлишига шубҳасиз мамлакатимиз раҳбарининг кейинги йилларда бу борада қабул қилган ҳужжатларининг аҳамияти беқиёс бўлди.

Бугун мамлакатимизнинг ҳеч бир фуқароси йўқки, унинг ҳаёти, айниқса, оммавий ҳаёти маҳалла фаолияти билан боғлиқ бўлмасин. Маҳалла бугун кишиларимизни ижтимоий ҳимоя қила олади.

Айни дамларда ҳукуматимиз томонидан бериладиган турли хилдаги моддий кўмаклар ҳам маҳалла ихтиёрида. Аслида ҳам шундай бўлиши керак эди. Ахир инсоннинг моддий аҳволини маҳалладан бўлак ким яхшироқ била олади. Маҳалла бугун ўз ҳудудий муаммоларини ўзи ва зарур бўлганда юқори ташкилотлар билан ҳамкорликда еча олади.

Маҳалла бугунги кунда истиқболимиз ютуқларини ҳимоя қилувчи, уни мустаҳкамлашга ҳисса қўшувчи. У бугун янгича фикрловчи киши тарбиячисидир... Президентимиз томонидан маҳалла ва фуқаролар йиғини фаолияти ўз ўрнида қўллаб-қувватланиб турилиши ҳам унинг масъулияти яна ошганлигидан далолат. Шу ўринда шунча кўламли ишларни ўз зиммасига олган шахсларнинг мазкур фармон орқали ижтимоий ҳимояланиши яъни маошларининг оширилиши, унинг раисларига нафақаларнинг тўлиқ тўланиши ҳам ҳаётий заруриятдир.

## Шоликорлар шижоати

***Мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудудида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида шоли экишга оммавий равишда киришиб кетилди. Айниқса, Қалликўл туманининг Сариқолтин деҳқон-фермерлар уюшмасидаги Умрбой Қурбонбоев бошлиқ бригада аъзолари шоли экишни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.***

***Бу йил қорақалпоғистонлик шоликорлар 162 минг тонна шоли топширишни режалаганлар.***



***Бахмал туманидаги «Турон» ижара ширкатлар бирлашмаси жамоаси 650 гектар майдонга дон экишган. Ғалла барқ уриб ўсмоқда.***

***Ширкат ғаллакорлари ўрим-йиғимга ҳозирлик кўришмоқда. 4 та комбайн ишга тахт.***

**Суратда: ғаллакор Абдуқодир Худоёров ва Ўрозбой Ғоффоровлар.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 28 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 55,57 |
| 1Австрия шиллинги | 6,82 |
| 1Англия фунтс терлинги | 143,22 |
| 10 Бельгия франки | 23,28 |
| 1 Голландия гульдени | 42,66 |
| 10 Греция драхмаси | 2,76 |
| 1 Дания кронаси | 12,58 |
| 1 БАА дирхами | 23,38 |
| 1 АҚШ доллари | 85,85 |
| 1 Миср фунти | 25,23 |
| 1 Ирландия фунти | 120,86 |
| 1 Исландия кронаси | 1,20 |
| 10 Испания песети | 5,65 |
| 100 Италия лираси | 4,86 |
| 1 Канада доллари | 59,90 |
| 1 Хитой юани | 10,37 |
| 1 Кувайт динори | 284,08 |
| 100 Ливан фунти | 5,63 |
| 1 Малайзия ринггити | 22,79 |
| 1 Германия маркаси | 48,00 |
| 1 Норвегия кронаси | 11,54 |
| 1 Польша злотийси | 25,35 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,69 |
| 1 Сингапур доллари | 53,89 |
| 1 СДР | 115,87 |
| 1000 Туркия лираси | 0,35 |
| 1 Финляндия маркаси | 15,83 |
| 1 Франция франки | 14,32 |
| 1 Швеция кронаси | 11,19 |
| 1 Швейцария франки | 57,56 |
| 1 ЭКЮ | 94,80 |
| 10Жанубий Корея вони | 0,63 |
| 10 Япония иенаси | 6,52 |
| 1 Россия рубли | 14,00 |
| 1 Украина гривнаси | 42,08 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,48 |
| 1 Латвия лати | 145,02 |
| 1 Литва лити | 21,46 |
| 1 Молдова лейи | 18,19 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,55 |

*/ Валюта қийматининг белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

*1998 йил — Оила йили*

## РАИС ОИЛА ТАРБИЯСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА

- **Касаба уюшма йиғилишидаги таклиф**
- **«Маданиятли оилани рағбатлантирамиз»**
- **Ота ибрати учун болага мукофот**

Матлуб Нуъмоновнинг тиниб-тинчимас раҳбар эканлиги Ғиждувонда ҳаммага маълум, у доим бир янгиликни бошлаб юради. «Зарафшон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига у раис бўлгандан буён нафақат уюшманинг иқтисодий кўрсаткичлари, балки одамларнинг турмуш маданияти ҳам кўтарила бошлади.

— Оила йилида бир янгилик қилишимиз керак, — деди раис уюшма бошқарувининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида. — Мен касаба уюшмамиз ва хотин-қизлар кенгашимиз ишлаб чиққан тадбирлар билан танишиб чиқдим. Ёмон эмас. Лекин бадиий кечалар ўтказиш ёки тўрт-бешта хонадонга моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Одамлар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатадиган, оила йилининг мақсадини ифодалайдиган бошқа бир тарбиявий тадбир ўйлаб топайлик...

Йиғилганлар раиснинг фикрини тушунишди. Биров у деди, биров бу деди. Охирги фикрни яна Матлуб аканинг ўзи айтди:

— Ўтказадиган тадбиримизга ҳеч қандай тайёргарлик кўришнинг ҳожати йўқ. Одамларни ишдан чалғитмайлик. Фақат бир комиссия тузамиз, унинг аъзолари деҳқон-фермер хўжаликларида, одамлар орасида юрадиган кишилар бўлсин. Асосий эътиборни оила бошлиқларининг маданиятига ва меҳнатга муносабатига қаратишсин. Биз энг намунали одамларни аниқлаб, уларни рағбатлантирамиз. Майли, шундай кишилардан ўнтами-юztами, қанча бўлса ҳам топинглар. Ҳаммаларини рағбатлантирамиз, маблағни аямаймиз. Ишқилиб, бир самараси бўлсин!

Шундай қилиб раиснинг ташаббуси билан қизиқарли ва ҳеч кимнинг хаёлига келмаган тадбирни ўтказишга қарор қилинди. Бу гап қишлоқ одамлари орасида тарқалди. Лекин «Энди арзимаган мукофотни деб далага галстук тақиб чиқмаганимиз қолувди» деб кулувчилар ҳам топилди, албатта.

— Баъзиларга эриш туюлса ҳам бу тадбир қишлоқда тарбиявий ишни бир поғона кўтаришга хизмат қилади, — дейди Янгиработ қишлоғида яшовчи ўқитувчи Мухтор ака Абдуллаев. — Биз тарбия ҳамманинг иши деймизу, кўпинча бу ишни фақат ўқитувчининг зиммасига ташлаб қўямиз. Қишлоқда айрим одамларнинг юриш-туришини кўриб ачинасан киши. Уст-боши кир, йиртиқ, соч-соқоли ўсиб кетган, маст-аласт, қўпол муомалали ота ўз болаларининг тарбиясига қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Нима, тракторчи ёки кетмончи ўзини маданиятга ўгай деб билиши керакми? Ношукурлик бўлмасин, ҳозир деҳқон-фермер хўжаликлари аъзоларининг топиш-тутиши ўқитувчиникидан кам эмас, шароитлари яхши...

Ҳа, «Зарафшон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ўтган йилни 25 миллион сўм соф фойда билан якунлаган илғор жамоадир. Йил давомида 2,5 минг нафар меҳнатчига 46 миллион сўм иш ҳақи берилган. Ҳали кўп хўжаликлар деҳқонларнинг ўтган йилги маошларини ҳам беролмаган бўлсалар-да, «зарафшон»ликларга шу йилги январь-февраль ойлари маоши ҳам тарқатилди.

Қишлоқлар юз фоиз газлаштирилган. Ичимлик суви келтириш учун ҳам қурилиш ишлари бошланган. Ҳар бир қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бор.

Хуллас, белгиланган тадбирга кўра уюшма аъзоси бўлган ҳар бир оила бошлиғининг юқори даражадаги турмуш маданияти учун унинг мактабда ўқийдиган болаларига мукофот тариқасида 200 сўмдан стипендия бериладиган бўлди. Мукофот унинг ўзига эмас, фарзандларига берилишида ҳам маъно бор. Чунки мактабда бунинг таъсири яққол сезилади. Болалар оталари билан фахрланишади, уларга ўхшашга интилишади. Мукофот ололмаган бола ҳам нега шундай бўлганлигини яхши тушунади. Ота учун эса бундан ёмони йўқ, энди у болалари олдида айбдор бўлиб қолмаслик учун ҳам, оиласининг шаъни учун ҳам юриш-туришини ўзгартиришга мажбур бўлади. Шундан кейин навбатдаги чоракда унинг ўғли ҳам стипендия олиши мумкин. Ахир, оила бошлиғи учун қўйилган шарт қийин эмас: тозаликка риоя қилиш, меҳнат интизомини бузмаслик, ичкиликка берилмаслик ва хушмуомала бўлиш, холос.

**Саид БУРҲОН,**
Бухоро вилояти.

## «ТОШКЕНТ» Республика қимматли қоғозлар биржасида

**Шу биржада бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 14 та ҳиссадор жамиятлар самарали натижани қўлга киритдилар. Улар ўзларининг 17,7 мингта акцияларини сотишиб, - 26,2 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Энг катта савдо якунларини Тошкент шаҳар «Янги технология» ҳиссадорлик жамияти қўлга киритди. Улар иккиламчи бозорда 14,8 миллион сўмлик 1,2 мингта акцияларини сотилишига эришдилар. Савдо жараёнида Ўзбекистон ҳудудлари бўйича биринчи ўринни, Тошкент шаҳар иккинчи ўринни, Хоразм вилояти, учинчи ўринни, Бухоро вилояти ҳиссадор жамиятлари эгалладилар. Қолган ўнта вилоятлар бўйича ҳеч қандай битим тузилмади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки 8 та брокерлик идоралари ҳам яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан 148 та ҳиссадор жамиятларининг 519,7 миллион сўмлик оддий акциялари сотилди.**

*«Ишонч» мақолалари изидан*

## «ТАЙЛОҚДАГИ АЖАБ САВДОЛАР»

***Тайлоқ туман ҳокимлиги рўзноманинг 1998 йил 10 мартдаги М.Бўриев ва Р.Қурбоновнинг «Тайлоқдаги ажаб савдолар» мақоласи бўйича қуйидагиларни билдиради:***

Тумандаги Р.Саидназаров номли агрофирмага қарашли «Баҳор» болалар боғчасининг мудираси К.Шарипова томонидан Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига берилган шикоят-аризаси юзасидан текшириш якуни рўзномага босилиб чиққан мақоладаги фактлар тасдиқланди.

Мақола хўжалик бошланғич касаба уюшма қўмитасининг «Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Устави» талаблари асосида 1998 йил 6 апрелда навбатдан ташқари 5-чи конференциясида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди ва янги таркибда (раис Б.Ҳайдаров) қўмита сайланди.

Мақолада ёзилган бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида вақтинча ишлаб келган Г.Турдиева ва унинг қизи, шу қўмита ҳисобчиси Р.Бекмуродова эгаллаб турган вазифаларидан озод этилди. Бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарининг фаолиятини назорат қилишда сусткашликка йўл қўйганлиги туман қўмита раиси Н.Раҳматовага кўрсатиб ўтилди ва келгусида камчиликларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Текшириш якуни билан аризачи таништирилди.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
Тайлоқ тумани ҳокими.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Россия Давлат Думаси мамлакат Бош вазири лавозимига Сергей Кириенко номзодини тайинлаган. 24 апрель куни бўлиб ўтган ана шу масалага бағишланган учинчи йиғилишда Россия парламенти депутатларининг 251 нафари Сергей Кириенкони Бош вазир этиб тайинлашга овоз берган. Кириенкога қарши овоз берганлар сони 25 тани ташкил этган. Шундай қилиб, энди Россия ҳукуматига Президент Борис Ельцин томонидан таклиф этилган Сергей Кириенко раислик қилади. Россияда бир ой давом этган Бош вазир лавозими атрофидаги можаролар ниҳоят якун топганга ўхшайди.**

* * *

Халқаро ҳамжамият Россияда ниҳоят Бош вазир лавозимига тайинли одам ўтирганидан мамнуният билдирмоқда. Кўпчилик давлатлар раҳбарларининг фикрича, ҳукумат раисининг тайинланиши Россиядаги сиёсий беқарорликнинг олдини олиши мумкин. Россия Бош вазири Сергей Кириенко номига дунё мамлакатларидан табрик хатлари келмоқда. Жумладан, Норвегия Бош вазири Бунневикнинг табрик мактубида айтилишича, Россиянинг янги ҳукумати Москва билан Осло ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга омил бўлиши мумкин.

* * *

**Стокгольмда Швеция, Финляндия ва Россия вакиллари иштирокида ўтказилган Европа ва Шимолий минтақалар хавфсизлиги масалаларига бағишланган анжуман ниҳоясига етди. Мазкур анжуман Швеция ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан ўтказилди. Швеция билан Финляндия Болтиқ бўйи мамлакатларида сўнгги вақтда авж олган террорчилик ҳолатларини бартараф этишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.**

* * *

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментининг расмий вакили Жеймс Рубин Югославиядаги Косово ўлкасида вужудга келган вазиятни ғоят хавфли деб атади. Сербия билан Албания ўртасидаги чегара ҳудудларида албанияликлар ва Югославия қўшини ўртасида қуролли тўқнашувлар содир бўлмоқда. Албаниялик бир гуруҳ исёнкорлар Югославиянинг Косово ўлкасига кириб, у ердаги албанларни ҳимоя қилишга уринмоқдалар. Жеймс Рубин тез-тез содир бўлаётган бу каби тўқнашувларни бартараф этиш учун Косоводан серб полициясини зудлик билан олиб чиқиб кетиш лозимлигини қайд этди.

* * *

**Америка Қўшма Штатларининг Майями штатида Литва Республикасининг икки нафар фуқароси қўлга олинди. Литваликлар АҚШ қуролли кучларига қарашли зенит ракеталарини олиб-сотишда айбланмоқдалар. Литва фуқаролари 40 та зенит ракетасини номаълум шахсларга сотмоқчи бўлиб турганларида қўлга олинганлар.**

* * *

Италиянинг Турина шаҳрида Халқаро автомобиллар кўргазмаси очилди. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган автомобиллар кўргазмасида бу гал жаҳоннинг 40 дан ортиқ давлатлари, жумладан, Европа, Америка ва Осиё мамлакатлари фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Бу йилги Турина автосалонида илк бор Япониянинг «Тойота», Жанубий Кореянинг «ДЭУ» ва Ҳиндистоннинг «Тата» автомобиль заводлари қатнашмоқдалар.

*Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.*

*Касаба уюшма ҳаёти: ЯНГИЛИКЛАР*

## ТААССУРОТЛАРИМИЗ ЧЕКСИЗ

Яқинда республика соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг таклифига биноан Миср давлат соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Президенти Иброҳим Рамазан Диссоку ҳамда мазкур уюшманинг котиби Эл Саид Элбадави Абул Фатанлардан иборат делегация аъзолари Ўзбекистонга ташриф буюришди. Делегация аъзоларини республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш.И.Каримов қабул қилди. Меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раҳбарияти билан учрашдилар. Ўзаро тажриба алмашиш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохонасида, «Қибрай» реабилитация марказида бўлишди.

Делегация аъзолари Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб, касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ҳамда вилоят тармоқ қўмиталарининг иш фаолияти билан танишдилар. Самарқанд вилоят болалар шифохонаси, Вобкент туманидаги Оналик ва болалик марказининг иш фаолияти билан ҳамда тарихий меъморчилик обидалари билан танишишди.

- Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг,- дейди делегация раҳбари Иброҳим Рамазан Диссоку,- шу билан бирга халқингизга хос меҳмондўстлик, тантиликни кўриб ниҳоятда суюндик. Касаба уюшмалари фаолияти ҳақидаги таассуротларим ҳам чексиз. Шу билан бирга Ўзбекистон халқининг келажаги буюклигига ҳам ишончим комилдир.

- Бизнинг касаба уюшмаларимизда 23 та тармоқ мавжуд бўлиб, ўз сафларига 12 миллион аъзони бирлаштирган. Айни пайтда бир қатор мамлакатлар сингари Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳам алоқаларни янада ривожлантиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Кўпчиликда бизнинг касаба уюшмаларимиз қандай фаолият кўрсатишмоқда, деган савол туғилиши табиий. Шу ўринда мамлакатимиздаги ўқитувчилар ҳамда тиббий ходимларга турли солиқларни тўлашда бир қатор имтиёзлар яратилганлигини айтиб ўтмоқчи эдим. Шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимларининг уйлари бепул хусусийлаштириб берилган. Бундан ташқари ўзимизнинг меҳмонхонамиз бўлиб, у ерда касаба фаолларининг турли ўқувлари ўтказилиб турилади.

**Н.РАФИҚОВ**

## МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

Яқинда болаларни ёзги мавсумда дам олишини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича тузилган Тошкент вилояти ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят тармоқ касаба уюшма қўмита раислари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, оромгоҳлари бўлган корхона, муассаса, хўжалик раҳбарлари, касаба уюшма қўмита раислари, туман санитария-эпидемиология станцияси бош шифокорлари, савдо ташкилотлари раҳбарлари ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова маъруза қилди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жойларда ютуқлар билан биргаликда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги қайд этилди.

Айрим оромгоҳларни пул маблағи билан таъминлашда қийинчилик бўлди. Оромгоҳлар доимо ҳам белгиланган миқдорда, рўйхатларга мувофиқ, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар билан таъминланди деб бўлмайди.

Оила йилида болаларни ёзги дам олиши ва соғломлаштириш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида вилоят касаба уюшмалари кенгаши вилоят ҳокимлиги билан қўшма қарор қабул қилиб, унда тегишли бўлим, бошқармаларга, қўмиталарга шаҳар ва туман ҳокимликларига ва корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарларига «Ёз-98» мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича топшириқлар берилган.

Вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқарма бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, корхона раҳбарлари сўзга чиқиб, ёзги мавсумга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

Йиғилишда «Ёз-98» мавсумига муносиб тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тавсиялар қабул қилиниб, оромгоҳларда бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

**Т.САИДОВ,**
**Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг инсонпарварлик бўлими мудири**

## ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Яқинда Бухоро вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси фаолларининг ўқуви бўлиб ўтди.

Машғулотларда 625 нафар киши иштирок этди. Дастлабки машғулотда тингловчилар касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси Е.Гольдманнинг «Тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи, Федерация Кенгашининг V йиғилиши қарорлари асосида касаба уюшма ишларини янада такомиллаштириш бўйича вазифалари» мавзуидаги маърузасини тингладилар, касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раисининг ўринбосари О.Азимова, касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг техник инспектори М.Қудратов, касаба уюшмаси вилоят қўмитаси молия бўлимининг мудири Б.Исматов, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг ҳуқуқий маслаҳатчиси Р.Сафиннинг маърузалари ҳам тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

Қоракўл, Ромитан, Жондор, Шофиркон, Ғиждувон туманлари ҳамда Коғон ва Бухоро шаҳарлари халқ таълими бўлимларининг мудирлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури» тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Фаоллар ўқуви қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**А.ИСТАМОВ**

## «ҲАМШИРА-98»: ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Яқинда Жиззах шаҳридаги Ю. Ражабий номли вилоят мусиқали драма театри биносида «Ҳамшира-98» V-республика кўрик-танлови учинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят босқичига етиб келган Ғаллаорол, Жиззах, Зомин, Пахтакор туманлари ҳамда Жиззах шаҳар ғолибларидан иборат тўққиз нафар ҳамшира республика мусобақаларида иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўзаро беллашдилар.

Бешта шарт бўйича ўзларининг касб маҳоратлари ҳамда билимларини намойиш этиб, ўрин эгаллаш ҳар тўққиз нафар оқ халат соҳибаларига осонликча бўлмади.

Вилоят марказий касалхонаси ҳамшираси Насиба Ишонқуловага биринчи ўрин насиб этди ва у май ойида Фарғона водийсида бўлиб ўтадиган республика «Ҳамшира-98» кўрик-тарловида иштирок этиб, Жиззах вилояти шарафини ҳимоя қилиш имкониятини қўлга киритди.

Медицина ходимлари Жиззах вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг бевосита ҳомийлиги ва ташкилотчилиги билан ўтказилган бу тадбир кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

*Касаба уюшма ҳаёти*

## АРЗОНЛАШТИРИБ БЕРИЛГАН УЙЛАР

Бухоро электр тармоқлари корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу энг аввало меҳнат аҳлининг уй-жой шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларда яққол кўринмоқда.

- Бу муҳим иш бундан 2 йилча олдин бошланган эди,- дейди биз билан суҳбатда корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Хайрулло Қудратов. - Ўшанда Қоровулбозорда нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши эндигина бошланган, корхонамиз нурчиларидан 20 га яқин нафари бу ерда энергия иншоотларини барпо этиш билан банд эди. Тез орада бу иншоотлар ҳам битказилиб, фойдаланишга топширилди. Қоровулбозорда ишлаётган ишчи-хизматчилар билан уларни Бухоро шаҳрида уй-жой билан таъминлаш бўйича шартнома туздик.

Корхона ҳисобидан вилоят марказидаги Б.Нақшбанд кўчасида жойлашган 10 та хонадондан иборат уй сотиб олинди. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошидан 20 фоиздан ушлаб қолинадиган бўлди ва уларга янги хонадонларнинг калитлари топширилди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, корхонада 25 йилдан ортиқ ишлаганлар янги уй пулининг 10 фоизини тўлайдилар, холос.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек, ҳалол меҳнати билан корхона-да ҳурмат-эътибор қозонган кишилар талайгина. Янги уй калитлари энг аввало ана шундай кишиларга топширилди. Диспетчерлардан Жўра Қудратов, Шуҳрат Қўчқоров, Шариф Муродов, подстанция хизмати бошлиғи Семен Нам, муҳандислар Акбар Шамсиддинов, Рафаэль Шайдуллин, Зокир Сатторов, Ирина Бахроновалар шулар жумласидандир.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси меҳнат ногиронлари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ёлғиз кишиларга моддий ёрдам бериб келмоқдалар. Уруш қатнашчилари, энергетика фахрийлари, пенсионерлардан 117 кишига ўтган 1997 йилда 265.800 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхонада 20 йилдан кўп ишлаган кишиларга ҳар ойда уларнинг пенсиясига қўшимча равишда 1200 сўмдан пул бериб борилмоқда. 30 йилдан ортиқ ишлаган кишилар эса пенсияга қўшимча тарзда ҳар ойда 2 минг сўмдан пул олиб турибдилар.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Корхона қошида 50 ўринли санаторий профилакторий ишлаб турибди. Ўтган йили бу ерда 701 киши даволанди.

Оила йилида жамоа шартномасига ўзгартишлар киритилди. Унга асосан боқувчисиз оилаларга байрам ва ҳайит кунларида моддий ёрдам бериладиган бўлди. Кўп болали оилаларга ҳам энг кам иш ҳақи миқдорида ёрдам кўрсатилади.

Корхонада меҳнат фидойилари талайгина. Ўзбекистон Республикаси энергетика фахрийси Надежда Чмельнева, электромонтёр Рим Баширов, етакчи муҳандислардан Рафаэль Аширов, диспетчер Ольга Медведева, электр цехи устаси Саид Турсунов, Ромитан тумани электр тармоқлари идораси бошлиғи Иди Ортиқов, Вобкент тумани электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Фазлиддин Шамсиддинов, электр цехи устаси Саид Турсунов, Бухоро тумани электр тармоқлари корхонаси электромонтёри Қўшмурод Давронов сингарилар шулар жумласидандир.

Вилоят аҳолиси хонадонларини электр нури билан доимий равишда таъминланишида корхона жамоасининг хизматлари каттадир.

**А.ИСТАМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## КЎҲИТАНГ ЯЙЛОВЛАРИДА



**Гарчанд ўлкамизда баҳор кунлари давом этаётган бўлса-да, Сурхондарёга ёз кириб келгандай. Бу элнинг чўпонлари аллақачоноқ сурувлари билан ёзги яйловларга чиқиб кетишди. Айниқса, Боботоғ этаклари худуди чўпонлар учун яратилгандек — кўм-кўк, сермайса, сержингил. Жарқўрғон тумани «Шарқ юлдузи» хўжалиги отарларида 2300 бош қўй бор. Қўзилатиш мавсумида улар яна 2 мингтага кўпайди. Қўзиларнинг 80 фоизи ўстиришга қолдирилди.**

**Суратда: Хўжалик бош зоотехниги Бўрибой Воитов, чўпонлар Холмурод Эшпўлатов ва Абдуназар Жумаев.**

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Меҳрибонлик уйи — меҳрибонлар кўмагида

***Қоқилганни суяш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Узоқ тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам бунга мисоллар кўп. Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи фаолиятига назар ташлаб буни янада яққол ҳис қиласиз. Дарвоқе, бу даргоҳ жамоаси яқинда чиройли туҳфа олди. Улар яшаб турган бино жуда қисқа муддатда гўзал қилиб таъмирланди. Бу юмушларга вилоят ҳокимлиги 30 миллион сўм маблағ ажратган эди.***

***Меҳрибонлик уйида болалар турли хил спорт ва маданий ўйинлар билан бирга, халқ амалий санъати, сартарошлик, тикиш-бичиш, тасвирий санъат билан ҳам машғул бўладилар.***





**Суратларда: (юқоридан) Меҳрибонлик уйи директори Муборак Ғаниевани тарбияланувчилар она деб аташади: 1-синф ўқувчиси, ёш рассом Сарвиноз Камолова.**

**Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



## «БОИНГ»: ҲАМКОРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

**1996 йил кузида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси дунёга донғи кетган «Боинг» компаниясининг дастлабки самолётини қабул қилиш чоғида Сиэтлда бўлиб ўтган музокараларда делегациямиз раҳбари Арслон Рўзметов ҳар икки томон учун ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги хусусида сўз юритган эди. Ўтган йили «Боинг» президенти Рон Вудард юртимизга ташриф буюриб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қабулида бўлди. Ана шу ташриф вақтида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада авиасозлар ҳамда Тошкентдаги давлат авиация институти америкалик мутахассислар билан кенг кўламда бирга иш олиб бориши таъкидланган эди.**

1997 йил давомида авиация институтимиз вакиллари «Боинг» буюртмасига кўра тўрт мавзуда тадқиқот олиб боришди. АҚШ мутахассислари бажарилган ишга юқори баҳо беришди. Натижада ҳамкорликни давом эттиришга қарор қилинди. Куни кеча Тошкентда шу хусусда шартнома имзоланди.

«Боинг» фуқаро самолётларини сотиш бўйича директори Крейг Жонс шу муносабат билан сўзлаган нутқида Ўзбекистон раҳбарияти Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Ўткир Султоновлар авиация соҳасини чуқур билишлари америкаликларда катта таассурот қолдирганига алоҳида эътибор бериб ўтди. Шунингдек, у мамлакатимизда таълим, хусусан олий таълимни ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик қилинаётганига ҳавас билан қарашини айтди. «Боинг» вакиллари ўтган давр мобайнида нафақат ўз тажрибалари билан ўртоқлашганлари, балки юртдошларимиздан ҳам анча-мунча нарса ўрганишганини эътироф этди. Ўзбекистонлик олимлар бажарган ишлар сифати энг замонавий талабларга жавоб бериши қувонарли ҳол эканига урғу берган меҳмон ўз фирмаси бу соҳада Тошкент авиация институтига бераётган ёрдам ҳажмини кўпайтиришга қарор қилганини айтди. Шу жумладан, Тошкентдаги институтни компьютер техникаси ва дастурлари билан таъминлаш, олимларимизнинг халқаро миқёсда тадқиқотлар олиб боришлари ва илмий анжуманларда иштирок этишларига ҳомийлик қилиш кўзда тутилган.

Дарвоқе, ўтган йили «Боинг» 20 та ЭҲМ ҳадя этган эди. Ана шу компьютерларда институт мутахассислари аспирант ва студентлар билан бирга янги кичик самолёт лойиҳасини яратишгани диққатга сазовор. Авваллари асосан қоғозда яратилган лойиҳалар салгина ўзгартириш киритиш туфайли такрор ва такрор чизилиши жуда кўп вақтни олиб, ишларни жадаллаштиришга имкон бермасди. Эндиликда эса тошкентлик лойиҳачилар сиэтллик ҳамкасблари билан компьютер орқали алоқа боғлаб биргаликда иш юритишлари учун шарт-шароит яратилмоқда.

— Ким билади дейсиз, — таъкидлади АҚШлик меҳмон, — кўп вақт ўтмай, «Боинг» ҳаво кемалари Тошкентда ишлаб чиқарилган ускуналар билан ҳам жиҳозлана бошлар, ўзбекистонликлар лойиҳасини яратган янги самолёт америкаликлар кўмаги билан тезроқ самога кўтарилар. Биз ўз томонимиздан зарур барча ишларни амалга оширишга тайёрмиз. Зеро, Ўзбекистонда авиасозлар, авиаторлар юксак малакага эга эканига ишонч ҳосил қилдик. Дарвоқе, шу йилнинг май ойида «Боинг» ҳузурида ўзига хос малака ошириш институти иш бошлайди. Унинг дастлабки тингловчилари айнан Ўзбекистон ва Хитой вакиллари бўлишади. Бу ҳам сиз билан муносабатларда «Боинг» алоҳида аҳамият беришидан далолатдир.

Тошкент давлат авиация институти ректори Шарофуддин Ғанихонов билдирилган илиқ фикрлар, кўрсатилаётган ёрдам учун миннатдорчилик изҳор қилиб, институт олимлари, аспирант ва талабалари янада яхшироқ натижаларга эришиш учун барча ишларни амалга оширишларини таъкидлади. Бу борада институт «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Чкалов номидаги авиация заводи билан бирга иш олиб бориши муваффақиятлар омили эканига эътиборни қаратди. Жумладан, авиация хавфсизлигини таъминлаш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш борасида миллий авиакомпания билан келишилган дастурлар турмушга татбиқ этилаяпти.

Тошкентлик бир гуруҳ талабалар ҳозирда Сиэтлда «Боинг» корхоналарида тажриба ўрганишмоқда. Уларнинг издошлари кўпайишига шубҳа йўқ.

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ**

## РИЗҚ-РЎЗИМИЗ НОБУД БЎЛМАСИН

Табиат неъмати — ғалла инсон ҳаёти манбаидир. Шу боис ҳам бобокалонларимиз донни кўз қорачуғидек сақлаган, асраб-авайлашган. Юртбошимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш юзасидан олдга қўйилган улуғвор вазифалари ҳам халқимиз ниятлари, орзу-умидлари билан ҳамоҳанг бўлди. Бу борада Вазирлар Кенгашининг Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қарори ҳам ғаллачиликни ривожлантириш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Чунки, ғалла экилган ерларнинг пайҳон қилинишига қарши изчил кураш олиб бориш — ризқи-рўзимизни асраш демакдир. Бу айниқса, энг катта ҳудудга эга бўлган Қўнғирот туманида жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки, туманда бир жиҳатдан чорвачилик хўжаликлари нисбатан кўпроқ бўлса, иккинчи жиҳатдан баъзи ўринларда экинларни пайҳон қилишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш — мавсумий иш деб қараш ҳоллари сезилмоқда. Буни судларга оширилган ўнлаб материаллар ҳам исботлаб турибди.

— Афсуски, меҳнатнинг қадрига етмайдиган, ноннинг уволидан қўрқмайдиган ноинсофлар орамизда учраб туради, — дейди Қўнғирот тумани судяси Озод Кудияров. — «Кўкликўл» жамоа хўжалигида яшовчи Айитбой Бозорбоев, Ўлбўсин Сийсенова, Тамара Бекмуродова, Жойиқ Хайруллаев, Рабиға Жалиева, Нуркен Нурмуғамбетов, Жойлихон Дўстжонов, Тилевбика Тўрткўлбоева, Ботирбой Абдуллаев, Абилғози Тўрткўлбоев, Ўрозгул Қусеновларни шундайлар сирасига киритиш мумкин. Ўтган йил охирларида уларнинг 30 бош йилқиси «Кўкликўл» жамоа хўжалигининг Жетписбой Бойниёзов раҳбар бригаданинг салкам 2,5 гектар буғдойзорини нобуд қилди. Натижада хўжаликка 28.952 минг сўмлик зарар етказилди.

Бундай қонунбузарлик Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги аъзоси Жорилқоғон Ортиқов томонидан ҳам такрорланди. Унинг бир бош йилқиси кузги буғдой экилган майдонда 1.575 сўмлик зарар келтирди. Албатта, етказилган зарарлар қонун йўли билан ундириб олинди.

...Бундай салбий ҳолатлар нима учун содир этилмоқда? Сабаби, биринчи навбатда давлат қонуни ва ҳукумат қарорларини англаб етмаслик бўлса, иккинчидан ва энг муҳими, эътиборсизлик, бепарволик, лоқайдлик, мулкка хўжайинлик ҳиссини тўла ҳис қилмаслик туфайли бундай ачинарли ҳол юз бераётир. Хўжалик раҳбарлари, ўзи-ўзини бошқарув идоралари оқсоқоллари, мутахассислар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашганларида ризқ-рўзимиз нобуд бўлишига йўл қўйилмаган бўларди.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Экосан» бўлимларида*

## САЛОМАТЛИК ВА ТАБИАТ

**Узоқ йиллар ҳукм сурган Шўро ҳукмронлиги, Ўзбекистон «марказ»га фақат хомашё етказиб берувчи манъбага айланган даврда ўлкамиз табиатига шафқатсизларча муносабатда бўлинди. Уйларимиз остонасигача пахтазорга айланди. Марказий Осиёнинг ёқут кўзи ҳисобланган Орол қуриб битиш арафасига келди. Мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритилгач бу борада катта ўзгаришлар юз бермоқда. Табиатни ва халқ саломатлигини асраш давлат сиёсатига айланмоқда. Шу йўналишда обрўли ташкилотлар тузилиб иш юритмоқдалар. «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси шулар жумласидандир. Ушбу жамғарма Наманган вилояти бўлимининг раиси Абдуллажон ХАСАНОВ бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:**

- Ҳақиқатан сўнгги 15-20 йил ичида минтақамиз экологиясига жиддий путур етганлигини тан олиш керак. Ўлкамизнинг бой табиати, унинг саҳий қуёши тафтида битадиган ноз-неъматлар, хусусан, пахта азалдан кун ботиш томондагиларнинг бош мақсади бўлган. Бунинг учун улар ҳеч нарса билан ҳисоб-китоб қилишни исташмади. Ёвузларча қилинаётган бу ҳаракат оқибатида табиатга ғарот етадими, дарёлар қурийдими, инсон саломатлигига зиён тегадими ўйлаб кўришмади. Ҳатто, кўпроқ ҳосил олиш учун далаларимизга иккинчи Жаҳон уруши даврида ҳам қўлланиш маън этилган заҳарли химикатларни сепишгача бориб етдик, бунинг касри туфайли сариқ, ич терлама, жигар касалликлари кўпайди, болалар касалликлари ортди, одамларимиз умри қисқарди. Айниқса, наботот ва ҳайвонот дунёсига жиддий зарар етди. Бундан 40-45 йил олдин экинзорларимиз четларида бодраб очиладиган ёввойи атиргуллар, дўланалар, ёмғирдан кейин чиқадиган қўзиқоринлар, далаларимиз ва бедапояларда учрайдиган беданалар, тулкилар, тустовуқлар ва бошқа жонзотлар қирилиб битди. Шарқироқ дарё ва сойлар жилдираб қолди, олдинги ўрмонларимиз эртаклардагина учраяпти. Булар табиат шафқатсизликни кечирмайди, аёвсиз ўч олади, деган огоҳлантиришнинг исботи эмасми!

Шуларни хаёлдан ўтказасизу истиқлолимиз бераётган самараларга яна бир бор шукроналар айтасиз. Дарҳақиқат, мустақиллигимиз узоқ асрларга илдизи етиб борадиган маънавиятимизни, ота-боболаримиздан қолган буюк меросларимизни «Наврўз» байрамини нишонлаш каби урф-одатларимизни қайтарибгина қолмасдан жонажон ўлкамиз, она-табиатимизга меҳр қўйиш, жонзотларни авайлаб асраш ва уларнинг қадрига етиш сингари ўзбекона чинакам инсоний туйғуларимизни қайтадан уйғотди. Бу нарса қонун йўли билан мустаҳкамланди ва Конституциямизда ўз ифодасини топди. «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси бўлимларининг вилоятларда ҳам ташкил этилиши давлатимизнинг бу борадаги дастлабки амалий қадамларидан бири бўлди.

Республикамизнинг ҳамма жойида бўлганидек вилоятимизда ҳам бу жамғарма бўлимлари ўзининг илк қадамлариданоқ инсон саломатлигини сақлаш, умрини узайтириш, атроф муҳит мувозанатига эришиш, бу йўлдаги саъйи ҳаракатларни бирлаштириш борасида зарур тадбирлар белгилаб уларнинг рўёбга чиқариш чоралари кўрилмоқда. Ана шу йўлдаги эзгу интилишда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган мавжуд 1058 бошланғич ташкилот атрофига бирлашган 330 минг нафардан зиёд жамоатчилик ўз куч-ғайратини жамлаштирганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Вилоятимиздаги борлиқ ташкилотлар ва муассасалар, хўжаликлар ва саноат корхоналари фаолияти назоратга олинган. Санитария-эпидиомология станциялари билан бирга у ерларда одамларининг ишлаш, ўқиш турар жойларда яшаш шароитлари вақти-вақти билан ўрганилиб маълумотномалар тайёрланади ва тегишли жойларга тақдим этилади. Турли хил юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади. Юқумли касалликлар шифохоналари маъмуриятлари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказилади. Шунингдек, биз тегишли тиббий муассасалар, Давлат автомобил ва йўл назорати инспекциялари билан келишиб «Тоза ҳаво»,«Тоза сув» рейдларини уюштирмоқдамиз, ҳамда бу борада кўрик-танловлар ҳам ташкил этмоқдамиз. Чунончи ўтган йилда ана шу мавзудаги кўрик-танловимиз ғоят муваффақиятли чиқди ва унда ғолибликни эгаллаган Норин тумани бўлимимиз томонидан 25 минг сўм пул билан мукофотланди. Шунингдек, Учқўрғон тумани марказий шифохонаси, Чортоқ тумани халқ таълими бўлими, Наманган шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласи ҳам пул мукофотлари ва эсдалик совғаларини олишга сазовор бўлдилар.

Дарёларимиз, сой ва каналлар ҳамда ариқларимиздаги сувлар тозалиги ҳамда мусаффолиги ҳам доимо назоратда. Вилоятимиз марказига Норин дарёсининг тозаланган сувини келтирилишини бўлимимиз ғоят хурсандчилик билан кутиб олди ва уни халқ учун қилинаётган ғамхўрлик намунаси сифатида баҳоланди.

Биз ўлкамизни боғларга, барча шаҳар-қишлоқларни дарахтзорларга буркаш мақсадида «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Кейинги йилда бу соҳада анча иш қилинди. Вилоятимизда қатор боғлар яратилди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги, «Нуроний» жамғармаси, «Экосан» вилоят бўлими биргаликда «Вилоят боғлари - нуронийлар нигоҳида» дастури бўйича ҳам кўрик-танлов уюштирилди. Ўтган йилда бу борадаги беллашувда Янгиқўрғон, Учқўрғон, Поп туманлари фаол иштирок этиб юқори ўринларни эгалладилар. Бунинг натижаси ўлароқ Янгиқўрғон туманида 1996 йилга нисбатан узумзор ва мевазорлар 119 фоизга ошган. Шу тур маҳсулот етиштириш эса 5989 тоннага кўпайган. Қолган туманларда ҳам ана шундай қувончли ўсишлар кўзга ташланади. Учқўрғонда, Попда «Нуронийлар боғи» пайдо бўлди. Бу йил эса Наманган туманида ушбу номда боғ-оромгоҳ яратилмоқда. Ўтган йилда бу борадаги ҳаракатда 69454 фахрий иштирок этди. Улар кучи ва ташаббуси билан ариқ ва сой ҳамда кўча бўйлари ҳамда томорқаларга 350 минг дона кўчат ўтказилди. Вилоят бўйича сўнгги икки йилда 5 млн. туп кўчат ўтказилган бўлса, шундан 2 млн.697 минг тури терак, 507 минг тупи мевали ва бошқа турдаги кўчатлардир. Бу йил эса терак кўчатлари экиш учун 700 гектар ер ажратилди. Наманган туманида 3 га. майдонда «Экосан» боғи, шу билан бир қаторда кўп жойларда «Оила йили» муносабати билан «Оила боғлари» яратиляпти. Ёшларда табиатга муҳаббат уйғотиш учун халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари билан биргаликда «Қушлар байрамлари» ўтказиляпти.

Булардан ташқари, саломатлик бўйича «Аёл ва экология» ассосацияси тузилган. Шу муносабат билан «Оналик ва болаликни ҳимоялаш» дастурига кўра соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага биноан ҳамма жойда тиббий кўриклар ўтказиляпти. Кўриклар жараёнида аниқланган беморлар даволанишга тавсия этилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган ва зарур мутахассислар биркитилган махсус автобуслар вилоят туманлари бўйлаб айланмоқда. Бизнинг бевосита иштирокимизда миллий анъаналаримизни тарғиб этиш мақсадига қаратилган «Ибратли келин» кўрик конкурси ҳам муваффақиятли якунланди. Шунингдек, «Оила йили» муносабати билан «Экосан» бўлими ва бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, қаровчисини йўқотган кексаларга моддий ёрдамлар кўрсатиляптики, булар ташкилотимизнинг бош мақсади инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш ҳамда табиатни авайлаб асрашга хизмат қилмоқда.

**Суҳбатни «Ишонч» мухбири Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ ёзиб олди.**

